

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА



БИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН КИТОБЛАР

А. ТҮРАЕВ сурати

## «НАВРҮЗ» МУСТАҚИЛ-ЛИК КУНЛАРИДА

Мустақиллик байрамимиз юртимизнинг ҳатто энг хилват ёшлариди ҳам катта шодона тантана билан ўтди. Ҳар бир меҳнат жамоаси тўйга муносиб тўёна ҳозирлашга интилди. «Наврўз» хайрия жамғармаси эса ҳар галгидек саҳийлиги билан ажралиб турди.

Жамғарма вакиллари Намангандаги Фазли Намонгоний номи 44-мактабнинг янги ўқув йили байрамида иштирок этишди ва 1-синф ўқувчиларидан 120 нафарига папка совға қилди. Папка ичида эса кичкинтой шогирдларни яна бир совға — турли ўқув қуроллари кутиб турарди.

Чортоқ шаҳридаги мактабларнинг 100 нафар 1-синф ўқувчилари ҳам ҳудди шундай совға олишди. Кичкинтойларнинг қувончи чексиз бўлди. Чунки улар турли сабаблар боис папкасиз қолишган экан.

Тошкент вилояти Қибрай туманида беш нафар турмуши ночор ёш оилага Президент номидан «Сино» музлатгичи ҳадя этди.

А. Икромов туманида 30 дан ортиқ бечораҳол оилага 2 та музлатгич, 12 та палос, турли хил кийим-кечакалар улашди.

Қариялар уйига битта музлатгич, 100 минг сўм пул, республикамиздаги беш нафар ногирон болага эса ногиронлар аравачаси совға қилди.

Байрам кунлари жамғарманинг кўплаб корхоналари ҳам хайрли ишдан четда турмади. Жумладан Андижондаги «Қорағунон», Бўвўтдаги «Мирзачўл», Намангандаги «Фазли Камол» каби корхоналар ўз маҳсулотларини халқнинг муҳтож вакилларига текин улашди.

Кечагина Душанбе шаҳрига «Наврўз»нинг махсус совғаси жўнатилди. 120 нафар 1-синфга қадам қўйган тожикistonлик кичкинтой ҳам ичига ўқув қуроллари жойланган папкага эга бўладиган бўлди. Сиз яхши биладиган даҳшатли офатдан ёлғиз ўзи омон қолган Шарора қизга дунёга донғи кетган «Алиса» номи қўғирчоқ жўнатилди. Шароранинг 100 нафар дўгоналарига ҳам турли хил қўғирчоқлар улашди. 100 нафар чақалоқ эса, насиб этса «Наврўз» совғаси билан йўртакланади.

Айни пайтда «Наврўз» халқаро миқёсга чиқа бошлади. Унинг Тожикiston мамлакати (Душанбе)да ҳамда Қирғизiston мамлакати (Уш) да бўлимлари очилди. Покистон, Эрон, Саудия Арабистонида эса вакалотхоналари фаолият кўрсата бошлади.

## УШБУ СОНДА:

БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД:

Дил — ба ёр - у,  
даст — ба кор

4-БЕТ

ШУКУРУЛЛО:

Ўзбекчиликда бамаслаҳат  
иш қилинади

6-БЕТ



## • KEYINGI SONLARDA:

НОРМУРОД МУСОМОВ:

ЭРКАКЛАРНИ  
КЎЗИНГИЗГА СУРТИНГ

НАПОЛЕОННИНГ  
СИРЛИ ҲИМИ

БИР ЙИЛДА НЕЧА  
МАРТА ЕР ҚИМИРЛАЙДИ?

«Оила ва жамият» 36(107)

## ТУЗУКРОҚ- ЛАРИ БОШҚА ЕҚҚА КЕТДИ

Мулла тўйчи ҳофизни бир кун саҳар маҳали биров чақириб келибди. Дарвозани очиб қараса хароб кийинган бир одам турганмиш. Бошида бир қўлоғи осилиб қолган телпак, эгнида кирлаганидан йирқираб кетган чопон, чопоннинг устидан «пўпайка» кийиб арқон боғлаб олган.

— Ассалому алайкум, муллака, сизни тўйга айтгани келдим.

— Э, раҳмат, энди ҳаммасини йиғштириб, қўйиб сизникига борамизда, — дебди ҳофиз энсаси қотиб.

— Тўй меникида эмас...

— Унда кимникида экан?

— Боқижон бойникида...

Тўйчи ҳофизни янада энсаси қотибди, чунки Боқижонбой Тошкентнинг катта бойларидан бири экан.

— Ука, Боқижонбой Тошкентнинг бир томонини сўраб турган бўлса, ўзи мени яхши таниса, ҳа, бошқа тузукроқ одам йўқми мени тўйга айтгани?!

— Мулла ака, тузукроқлари бориди, лекин улар тузукроқларини айтгани кетишди, мени эса сизга жўнатишди, — дебди.

Марғилон азалдан санъатшинаванда шаҳар. Аиниқса шаҳар маданият ва истироҳат боғида тез-тез санъаткорлар йиғини бўлиб туради. Уша кун боғда сайил. Қўшиқ ва аския басма-бас бўлади. Боғнинг раҳбари Ба-

қабристонда ваъзхонлик қилиш расм бўлган.

Навбат Комил Яшинга келибди-ю, ўртага чиққан нотик:

— Етим Бобожон ким? — деб бир оз жим қолибди ва давом этибди:

## БИР ТАХАЛЛУС ТАРИХИ

диридин акани бутун Ўзбекистондаги санъаткорлар жўрабоши деб билишади. Чунки яхши гапга кўнмаганларни болаҳонадор қилиб сўйиб бўлса ҳам бир ерга йиғади.

Ҳеч ким ундан сўқди деб хафа бўлмайдим. Дўстларни таклиф қилиш учун Тошкентга бориб Сойиб Хўжаевни излабди. Сойиб акани раҳматли Етим Бобожоннинг таъзиясига кетмоқчи бўлиб турганда учратибди ва биргаликда кетишибди. Марҳумни ёдлаб жуда кўп одам йиғилган экан. Уша вақтда

— Революциядан кейинги йиллар, у маҳалларда бировнинг фарзанди санъаткор бўламан деса ота-онаси оқ қилиб уйдан ҳайдаб чиқарадиган, маҳалла-кўй юз ўғирадиган маҳаллар. Янги очилган театрга ёшгина йигитча кириб «мен санъаткор бўлмоқчиман» деб қолди. «Э, ука, майли-ю ота-онанг билан маслаҳатлашдингми?» десақ, «мен бир етим боламан», — деб қолди. Шундан «Етим» тахаллусини олган эди.

Турсун Али МУҲАММАД

## Етти кун

### «ОТЧОПАР»ДА НИМА ГАП!

Ҳарқалай, отлар чопмаяпти. Бироқ, кўпқари давом этапти. Яъни пойтахтнинг «Отчопарига» — бозорга бориш метро бекатидан чиқа олсангиз автобусда 100 рубл, йўналишли таксида 150 рубл бўлди. Оралиқ масофа — икки чақиримча. Бозорга кириш 40 рублга чикди.

Лекин бозордан чиқиш текин.

### МИРИҚИ-ИБ КЎРАМИЗ

Ниҳоят, биз ҳам ўз уйимизда мириқиби япон телевизори ва видеомагнитофонини кўрадиканга ўхшаймиз. Бунга Гулистондаги Хитойнинг «Дзедун» компанияси билан ҳамкорлик қилаётган «Сирдарё» савдо уйи намоаси қафолот бермоқчи.

Қорхона 1994 йилдан бошлаб бир кеча-кўнудда 45—50 тадан телевизор ва видеомагнитофон ишлаб чиқара бошлайди. Нархи нисбатан анча арзон бўлади.

### КАСПАРОВМИ, КАРПОВМИ, ИШҚИЛИБ

зўр шоҳматчи етишиб келаётир. Сарисоёлик 13 ёшли Бегали Саидов чақалоқлигидан, йўғ-ей гўдақлигидан «руҳ суриб, пиёда уриб» ўсди. Туман, вилоят мусобақаларида мутлоқ ғолибликни қўлга киритди. Яқинда эса ёш шоҳматчи шаввоз уста ўйинчи Леонид Масловни 25 дақиқадга мот этди.

Сурхондарё «Шартномасавдо» концерни жаҳоннинг бўлажак чемпиониға жаҳон чемпионатиға боршиш учун 1 миллион рубл ажратди. Юртдошимизга омад тилаймиз.

### ҲАЗРАТ БАҲОВУДДИН ЕРДАМГА КЕЛДИ

Боболаримизнинг санъатиға гап йўқ. Мўъжиза иморатлардан бири — ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи йиллар тасирида эмас, зътиборсизлигимиз оқибатида озроқ таъмирталаб ҳолға келиб қолган эди. Таъмирлаш, бўяш ишлари бошланди-ю... муаммо — мос ранг топилмади қолди. Хуллас, бўёқ йўқ. Боғдодда ҳам, Амриқодаю ўзимизда ҳам. Йўғ-ей, бўёқ топилды: таъмирталаб бинолардан бирининг деволи орасига худди ўша қидирилайтган бўёқдан беш-олти килограммчаси моҳирлик билан жойлаб кетилган экан. Боболаримизға бағли; дейимизда энди.

### УЧ ЭГИЗАК — УЧ ҚИЗАЛОҚ

Навойи шаҳридаги туғруқхоналардан бирида уч эгизак — уч қизалоқ дунёға келди. «Навойиозат» ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси Ирина хола қизларига Фотима, Зухра, Ойша деб исм қўйди.

### БЕМОРЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Андижон Тиббиёт олийгоҳининг клиник касалхонаси физиотерапия бўлимида шу вақтгача қутилмаган воқеа рўй берди. Нима бўлдию, бош врачнинг эсдаликка олган қўл соати йўқолди. Кейин бошқа ходимларнинг нимасидир гўм бўла бошлади. Ҳатто, ҳамшира қизнинг никоҳ узуги ҳам ғойиботга кетди. Дўхтурлар саросимаға тушишди. Шубҳали юшнини синаб кўргач, ҳаммаси аниқланди. Уғри ҳеч ким шубҳаланмаган одам — II гуруҳ ногирони бўлган бемор экан.

### ТОПДИ

Иноят Раҳмон («Навбахор тонги» газети бош муҳаррири) аввал ғоя, кейин ошно, кейин пиёз топди. Пиёзни... қоғозга алмашди. 50 минг тўнна қоғоз, тўннаси 500 000 рубл бўлиб турган ҳозирги пайтда 75 минг рублдан тушди. Хуллас, 6 минг нусхали туман газети муштарий хоҳласа, хоҳламаса 2 йил тўхтамай чиқадиған бўлди.

### ҚИСТИР-ҚИСТИР, ТЎЕНА, ҲИММАТ

Хатирчилик магазинчи Шухрат Ерқуловнинг тўйига келган машҳур артисларимиздан бири гуруҳига 1 миллион 258 минг рубл қистир-қистирдан тушди. Ҳаяжонлини кетган олийҳиммат қўшиқчи 200 минг рублни тўйтоғаға тўёна қилиб бўлди.



«СЕНГА НИМА БЎЛДИ»

Ёлғаш ХУҲАМБЕРДИЕВ сурати

## АЛИМЕНТ ТЎЛАЙМАНМИ?..

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Бу воқеа қанчалик мен учун оғир бўлишиға қарамай сизларга ёзишға мажбур бўлдим, балки бирор маслаҳат берарсизлар деб ўмид қиламан.

1984 йил 24 май кунини хотиним Тўраева Олима кеч соат саккизларда сингелисиз Тўраева Муслима билан уйдан ичиб келди. Мен болалар билан ўтирган эдим. Опа-сингил залға киришиб, мени ёнларига чақиритди. Залға кириб ўтиришим билан хотиним бугундан бошлаб сиз қўйма-сангиз, мен қўйдим уч талоқ,

уйни бўшатиб чиқиб кетинг, болаларни ҳам ўзим боқиб оламан, деб айтди. 5 болаимиз бор, мен хотинимға эс-ҳушинини йиғиб ол, деб танбех бердим. Бўлмади. Тошкент шаҳридаги 4 хонали номиндаги уйдан костюмчини елкаға ташлаб чиқиб кетдим. Уша пайтда мен органда ишлар эдим. Уйсиз сарсон бўлиб ишға вақтида боролмаганим учун ишдан бўшатилди (чунки оиламда бўлган воқеани уларға айттолмадим).

Мана шу воқеанинг бўлиб ўтганиға ҳам ўн бир йил бўлибди. Энди болалар катта бўлгандан сўнг мендан алимент талаб қилиб судға бер-

япти.

Ҳурматли таҳририят ходимлари, шу нарсани тушунишға ёрдам берсангизлар...

Самижон ВАЛИЖОНОВ  
Чуст шаҳри, Энгельс кўчаси

Самижон ака, сизга батафсил жавоб беришнинг имкони йўқ. Негаки хатингизда сиз биз учун керакли маълумотларни кам келтиргансиз. Лекин биз тажрибали ҳуқуқшунос маслаҳатиға таяниб сизга қуйидаги жавобни умумий тарзда йўллашни лозим топдик.

— Бундан ўн бир йил олдинги эр ва хотин ўртасидаги жанжал тафсилотларидан мутлақо беҳабаримиз. Қолаверса, ўртадаги фарзандларнинг ўша пайтда нечта бўлганлиги ва ёшлари ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Бу, албатта, сизнинг жузвий хатоингиз. Негаки ҳаммаси ҳақда батафсил маълумот ёзиб юбормагансиз. Сизларни ўша пайтда ўртада фарзандларингиз бўлгани учун суд ажратган. Демак, мол-мулк ҳам ўртада тенг бўлиниши керак эди. Сиз эса мардлик қилиб, ўйин хотинингизға ташлаб кетган

экансиз. Орадан ўн бир йил вақт ўтди. Нега энди шунча вақтдан сўнг сиз судға муурожаат этаясиз. Айни дамда сиз ҳам уйланиб иккинчи хотинингиздан фарзандлар орттиргансиз, лекин аввалги хотинингиз ҳақида лом-ним демабсиз. Балки у ҳам турмуш қургандир, агар шундай бўлса сиз алиментдан қисман озод этиласиз. Сиз ҳозир эр ва хотин ўртасидаги ушбу мол-мулк, алимент масаласидаги можарони бартараф этиш учун қайтадан туман судига ажрим учун ариза беришингиз керак.

**ЭРИХ ФРОММ:**

Машҳур немис-америка психологи, файласуфи, социологи, неофрейдизм намояндаси Эрих Фромм (1900—1980) кейинги пайтда кўплаб файласуфлар, ҳатто оддий китобхон диққатини ҳам жалб эта бошлади. Фромм фалсафасининг марказида инсон, унинг ички кечинмалари, яшаш шариоити ва энг асосийси кўплаб йиллар давомида таъқиқланиб, уят ҳисобланиб келинган инсоннинг интим ҳаётини ўрганиш туради. Фромм машҳур австриялик руҳшунос (психолог), психологизм асосчиси Зигмунд Фрейддан фарқли ўлароқ «сексуал ҳаёт онгсиз равишда кечади», деган фикрини рад этиб, одамнинг жамиятдаги ҳатти-ҳаракатлари онгли равишда бошқарилишини таъкидлаб, улар «житимий характерда» эканини айтиб ўтади. Фромм инсоннинг ҳақиқий қиймати, унинг сева олишидагина деб билади. Шу ўринда, муштарийлар диққатини Э. Фроммнинг «Инсон қалби» китобидан олинган бир лавҳага қаратмоқчи эдик.

Э. Фромм катта-ю кичикка таниш баъзи эртақларга тўхталиб ўтар экан, жамиятдаги асрлар давомида аёл ва эркак ўртасидаги муносабатлар ушбу ҳикоятларда шартли белгилар орқали

шубҳаларни Фромм кўрсатишга ҳаракат қилган.

...«Қадим замонда бир қизалоқ бўлган экан. У чунонам чиройли, дўмбоқ эканки, кимки уни кўрса яна бир бор кўргиси келар экан. Ҳамма уни яхши кўрар, қизалоқнинг бувиси эса жуда ҳам яхши кўрар, неварасидан ҳеч нарсани аямас экан. Кунлардан бир кунни бувиси набирасига қизил духоба қалпоқча совға қилибди. Қалпоқча қизчага жуда ярашибди. Шу сабабли, қизча қалпоқчани ҳечам ечмас экан. Одамлар қизчани Қизил қалпоқча деб атай бошлашибди.

Серкўёш ёз кунларининг бирида қизчага онаси дебди: «Қизил қалпоқча, «сенга гўштли бўғирсоқлар ва бир шиша вино беряпман, буларнинг ҳаммасини бувингга олиб бориб бергин. Бувинг касал, мана буларни еса тузалиб қолади. Эртага тонгда йўлга чиқ, салқинда тезда етиб олсан, аммо ўрмон ичида эҳтиёт бўлгин. Йўлдан четга чиқма, бўлмаса қоқилиб йиқилишинг ва шишани синдиришинг мумкин. Бувингни олдига кирганда эса салом беришни унутма». Қизил қалпоқча эҳтиёт бўлишни ваъда бериб, йўлга ҳозирлик кўрибди.

Қишлоқдан ярим чақирим келадиган масофада, ўрмон ичида қизалоқнинг бувиси яшар экан. Ўрмон ичига кирган заҳотиёқ Қизил қалпоқча олдида бўри чиқибди. Қизил қалпоқча бўрининг йиртқичлиги ва конхўрлиги-



— Ким у?  
— Эшикни очинг, бу мен Қизил қалпоқчаман,— дебди Бўри.— Мен сизга гўштли бўғирсоқ ва вино олиб

лик катта?

— Сени яхшироқ эшитишим учун, оппоқ қизим,— дебди Бўри.

— Бувижон нега кўзларингиз бунча катта?

— Сени яхшироқ кўриш учун, юмшоғим.

— Бувижон, нега кўзларингиз бунча катта?

— Сени маҳкамроқ кучишим учун, шириним.

— Вой, бувижон, нега бунчалик тишларингиз катта?

— Бу эса сени ейишим учун!

Шундай деб Бўри сим тўшакдан сакраб тушиб, Қизил қалпоқчани ютиб юборибди.

Қорни тўйган Бўри яна сим тўшакка ағанаб, қаттиқ хуррак ота бошлабди. Шу орада уйча олдида овчи ўтиб кетган экан. Бўрининг хуррагини эшитиб: «Кампир, жуда ҳам қаттиқ хуррак тортаяпти. Бориб, хабар олайчи, балки унга бирор ёрдамим керакдир» деб ўйлаб уйчага кирибди. Қараса, кампирнинг ўрнида Бўри ухлаб ётган экан. «Ҳа, хумпар, мана қаерда экансан, қўлга тушдингку, анчадан бери сени ушлай олмай юрвдим», деб Бўрини отмоқчи бўлибди, лекин Бўри кампирни ютиб юборган бўлса керак, деб ўйлаб, пийишибди улар. Қизил қалпоқча тезда катта-катта тошлар йиғиб келибди, бўрининг қорнига солибди. Бўри уйғониб қочмоқчи бўлибди, аммо тошлар шундай оғир эканки, у жойидан қўзғала олмай, ўлиб қолди.

Ушбу эртақдаги жуда ҳам кўп рамзий белгиларни осонликча тушуниш мумкин. «Қизил духоба қалпоқча» — бу бўйи етган қизларнинг ҳайз кўриш белгисидир. Эртақда ҳикоя қилинаётган кичкина қизалоқнинг саргузаштлари эса, етилган аёлнинг жинсий алоқалар муаммоси билан дуч келганлигини билдиради.

Онанинг қизалоқча «Йўлдан четга чиқмагин, бўлмаса қоқилиб йиқилишинг ва шишани синдиришинг мумкин» каби насиҳатлари — бу жинсий алоқада бўлиш ва қизлигини йўқотиш хавфи хусусида огоҳлантириш.

Қизчани кўрибоқ Бўрининг ҳирси кўзгайди ва у қизалоқни илтиримоқчи бўлади. Бўри Қизил қалпоқчага «ён-атрофта боқишни, қушларнинг қанчалик гўзал сайрашини эшитишни» маслаҳат беради. Қизча юқорига қараганин атрофдаги гўзалликни туйди ва Бўрининг гапига кириб, йўлдан четга чиқади. Борган сари ўрмон ичкарасига кириб боради. Ўз қилмишларини оқлаш учун, у баҳона қидиради, ўз-ўзини ёмон иш қилмаётганлиги тўғрисида «бувимга гуллар териб борсам хурсанд бўладилар» деган фикрлар билан юпатиб, тўғри йўлдан узоқлашади.

Лекин, бу қилмиши учун у қаттиқ жазо тортади. Бўри, унинг бувисининг кийимларини кийиб, қизчани ютиб юборади.

Наргис ҚОСИМОВА таржимаси

# «ҚИЗИЛ ДУХОБА ҚАЛПОҚЧА» НИМА?

дан бехабарлиги сабабли, ундан сира ҳам чўчимабди.

— Салом Қизил қалпоқча,— дебди Бўри.

— Салом, Бўри.

— Бунча эрта қаёққа кетаясан?

— Бувимни кўргани.

— Саватчангда нима бор?

— Гўштли бўғирсоқ ва вино: кеча ойм бўғирсоқ пиширган эдилар.

Агар бувим ойм пиширган нарсаларни есалар, тузалиб қоладилар.

— Бувинг қаерда яшайди?

— Бу ердан чорак чақирим нарида, ўрмон ичида, бувимнинг уйи учта катта дуб дарахти тагида жойлашган, пастда эса ёнғоқзор бор. Сен у ерларни билсанг керак,— дебди соддадил Қизил қалпоқча.

Бўри Қизил қалпоқча билан ёнмаён кетар экан, ўйлабди: «Жуда ҳам ноки ва ширин қизча экан. Хойнаҳой, у кампирдан ҳам ширинроқ бўлса керак. Иккаласини ҳам бирдан қандай қилиб есам бўлар экан!». Бир оз юришгач, Бўри Қизил қалпоқчага тил-ёламалик қилишга ўтибди:

— Ён атрофингга қарагин Қизил қалпоқча, қандай чиройли гуллар очилиб ётибди? Қушларни сайрашини айтмайсанми? Мактабга кеч қолаётгандек, бу гўзалликка эътибор бермай бунча шошилсан?

Қизил қалпоқча бир зум тўхтаб юқорига қарабди. Улкан дарахт шоҳлари орасидан тушаётган қуёш нурлари гоҳ қизил, гоҳ сарик, рангда жиллаланади, турли рангдаги мойчечак, гулсафсарларнинг баргларида бири-бирдан чиройли капалаклар қувлама-чок ўйнашарди. Буларни кўрган Қизил қалпоқча ўйланиб қолибди: «Агар, бувимга гул териб олиб борсам, жуда ҳам хурсанд бўлсалар керак. Ҳали жуда ҳам эрта, тушгача барибир етиб бораман».

Қизил қалпоқча гул тергани сўқмоқдан четга чиқибди. Чиройли бир гулни узган экан, сал наридагиси бундан ҳам яхши кўришиб, йўлдан анча узоқлашиб кетибди.

Бўри эса бу орада тезда бувининг уйига етиб бориб, эшикни тақиллатибди:

келдим.

Эшик ёнидаги арқончани торт, мен жуда ҳам холдан тойдим, ўрнимдан тура олмайман.


Бўри арқончани тортган экан, эшик очилибди. У ҳеч нарса демай сим тўшак олдида бориб, кампирни ютиб юборибди. Кейин эса, бувининг кўйлак ва қалпоғини кийиб, унинг жойига ётиб, кўрпага бурканибди.

Қизил қалпоқча эса бир даста гуллар териб, бўлиб кетаяпман, эшик очқлигини кўриб, ҳайрон бўлибди: «Нима гап? Нега эшик очик? Нимагадир ғалати бўлиб кетаяпман, ахир менга доим бувимникида меҳмон бўлиш жуда ёқар эди-ку!» Ичкарига кирар экан Қизил қалпоқча салом берибди. Лекин ҳеч ким саломига алик олмабди, шунда у сим тўшак ёнига яқинроқ борса, сим тўшакда тунги қалпоғини кўзларига тушириб бувиси ётган экан-у, аммо у қизчани кўзига қандайдир ғалати кўрибди.

— Бувижон,— дебди Қизил қалпоқча.— Нега кўзларингиз бунча



таъсирланишини очиб берди. Албатта, ёшлигида «Қизил қалпоқча ва ёвуз бўри» тўғрисидаги эртақни эшитмаган одам камдан-кам топилса керак. Ушбу эртақда эркак ва аёл ўртасидаги зиддиятлар, болаликдан сингдириб келинаётган бегоналарга нисбатан



Т БОР, УЛАН БОР, МАЙСАДАН ГИЛАМ БОР...  
Ҳ. СЛИДОВ сурати

# СЕН ҲАМ БОЗОРГАМИ?

— Ув, бола!.. Ув, бола!.. Ҳа, Ҳа, сенга айтобман. Мана бундоқ ёнимга келсанг-чи. Қўрқма, еб қўймайман. Мени танидингми ўзи?.. Охи, ман Кимсан тоғангман-ку!.. Ҳа, чўнтагинга бурнимни қоқай!.. Сан ўша Шокир пўконни баласимсан, ахир? Бу бўзчини моқжусидай бир қарасам, лўк-лўк қилиб у ёққа ўтасан, бир қарасам, бу ёққа ўтасан. Сан ўзи саломни биласанми? Салом бу Худони қарзи! Эй, бундоқ бушатсанг-чи; бу бўйинтуруғингни, овозинг эркакни-кидай бурро-бурро чиқсин... Сани шу бўйинтуруғингга бурнимни артай! Нима бу, Кимсан тоғанга! ўхшаган прастўй одамларга салом берсанг, чўнтагингдаги пулинг камайиб қоладими?.. «Шошиб турган эдим» дейсанми? Шошганлар қаёққа бордики, сан борасан! Ундан кўра тоғанг билан ўтириб, иккита гап бер, шакар-гуфторлик қил. Борарсан, ўша борадиган жойингга... Тунов куни десанг, эшагимга арпа оламан деб Жингилдини бозорига борувдим. Бу бозор эмас, чумо-

лини уяси дейсан. Иби, бу одамни, иби, бу одамни, ер ёрилган-у, одам чиққан-да! Зўр бўлсанг кир бозорга! Бир бало қилиб, сурилиб-суркалиб бозорни ўртасига борганимни биламан, санга ўхшаган бир пўрим йигит туртиб кетса бўлади-ми? Биқинимни тешиб юборай деди-да ўзи! «Ҳай!» дегунимча, шамолдай ўдикетди, падаркур. Жаҳлим чиқиб кетди. Аламимдан: «Тўнгиз!» деб бақирдим бозорни ўртасида. Бозорда одам борки, гур этиб менга ўгирилиб қаради. Кулиб юбордим. Тўғри-да, одамлар «бозор-бозор» деб ўзини кимлигиниям унутишган-да!.. Ҳойна-ҳой, сен ҳам бозорга шовшётган бўлсанг керак-да!.. Бор, бор, мани деб хотинингдан гап эшитиб ўтирма...

...Ув, бола!.. Ҳа, Ҳа, сенга айтобман... Мана бундоқ... Сен ҳам бозоргами?.. Эй, дардингни бировга тўкиб солалмайсан киши, ҳамна ҳар томонга шошади...

Даврон БЕК

Ишдан қайтган эринг жаҳли чиқди.

— Нима? Бугун ҳам овқат қилмадингми? Жонимга тедди, мен ресторандан овқатланиб келаман!

— Беш дақиқа сабр қилинг,— деди хотин.

— Беш дақиқада овқат таяёрламоқчимисан?

— Йўқ. Мен ҳам сиз билан бирга бормоқчиман.

— Уғлимни нима қилишга ҳам ҳайронман,— деди ота ўз дўстига нолиб.— Унинг бирорта гапига ҳам ишониб бўлмайди.

— Унда об-ҳаво бюросига ишга жойла,— деди дўсти маслаҳат бериб.

— Келтирган овқатингизга пайшани тушган экан,— деди хўранда официанткага қараб.— Бу нима энди?

— Мен билмайман,— деди официантка.— Мен ахир официанткаман, фольч эмасман-ку, тўғрими?

— Дада, эсингиздами, менга институтдан қандай ҳайдалганингизни айтиб берган эдингиз?

— Ҳа, эсимда, нимага эди?

— Шунчаки ўзим. Тўғри

Итмихонда ўқитувчи талабадан сўради.

— Сизни савол қийинчилими?

— Эй, йўқ, домла.— деди

## ЛАТИФАЛАР

айтишаркан, тарих такрорланиб туради, деб.

талаба.— Мени жавоб қийнапти.

— Қизимиз сизга турмушга чиқишга розилик берди,— деди қайнога кўвга.— Сиз тўй кунини белгиладингизми?

— Қизингиз нима деса, шу

— Сиз нима деб ўйлайсиз, тўйни ресторанда ўтказган маъқулми ёки уйда?

— Бўдгани қайнонамиз ҳал қиладилар.

— Тўйдан кейин қаерда яшмоқчисизлар?

— Бўдгани сиз ҳал қиласиз.

— Утган ҳафта хотинимнинг кўзига хас тушган эди, арача боришга тўғри келди. Роппа-роса юз сўмга тушдим,— деди биринчи киши.

— Юз сўмга ҳеч нима эмас экан,— деди иккинчи киши.— Утган куни менинг хотинимнинг кўзига мўйна ёқали палто тушган эди, бу менга роппа-роса юз ливчага тушди.

## МУҲИДДИН ҚИЗИК НИМА ДЕЙДИ?

### ТТТ ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

**Ҳурматли харидорлар, навбатнинг охири ким!**

Агат исмли кучугимни излаяпман. Кўриниши: жуни қора — жингалак, бўйни оқ, думи кесилган. Асосий белгилари: ҳуда-беҳудага во-вўллайдми.

**СВЕТА опага кўнғироқ қилинг**

Битта икки ғилдиракли ва битта бир ғилдиракли велосипедни битта уч ғилдиракли велосипедга алмаштираман.

**Пойгачи САМСОН**

Барча фанлар бўйича уй вазифаларини ишлаб бераман.

**Беминнат ҲАМКОР**

Фойдали маслаҳатларимни арзон-гаровга со-таман.

**Мулла БОҚИ**

Барча ўзимда бор нарсаларни, ўзимда йўқ, барча нарсаларга алмаштираман.

**Хона САЛОТ**

Пишиқ чармдан қилинган, йўғон камарни педагогикага оид қўлланмаларга алмаштираман.

**Педагог ОТА**

**Уста КУПАЛ**

Гоброванинг чекка бир қишлоғидаги беш юзга аёлдан тўрт юз тўқсон тўққизтаси бир қунда кўзи ёрибди. Шу муносабат билан ҳукумат қатта маблағ ажратиб халқ сайли ташкил қилди. Ҳама хурсанд. Тўрт юз тўқсон тўққизта эркакнинг севинчи чеки йўқ эмиш. Фақат хотини туғмаган эркаккина тўғтайиб ўтирармиш.

— Мана, бизнинг хотинлар туғди,— дебди қувончини яширолмай бир бахтли эр.— Сеники нимага туғмади? Бирор сабаби борми?

Бечора бахтсиз эр елка қисиб жавоб берди:

— Ахир, бундан тўққиз ой олдин бу ерга сайёҳлар келишганида менинг хотиним шаҳардаги опасниккига кетиб қолган эди-да!

Икки ўртоқнинг узоқ давом этган суҳбатлари охири бола-чақага келиб тақалибди.

— Фарзандлар нечта бўлди? — сўрабди биринчиси.

— Унта,— дебди иккинчиси.

— Эй, отанга раҳмат! Буларни нечтаси ўғил-у, нечтаси қиз?

— Бештаси ўғил, бештаси қиз. Ўзингда-чи?

— Саккизта.

— Яша, сен ҳам бадав-

лат экансан-ку! Нечтаси ўғил, нечтаси қиз?

— Каттаси Фогима-Зухра, қолганлари қиз.

Бир қиз ҳовлиқиб милиса-хонага отилиб кирибди.

— Ўртоқ милисалар, пулимни олдириб қўйдим, ёрдам беринлар! — дебди ҳансираб туриб.

— Пулни қаерда олдиридингиз? — сўрабди биринчи милиса.

— Автобусда.

— Пулингиз қаерингизда эди? — сўрабди иккинчи милиса.

— Ана ўша ерда эди...

— Қаерда, қаерда?..

— Ана ўша ерда...

— Тушунмапман ойим-қиз! Тушунтириброқ гапирсангиз-чи. Пулингиз қаерингизда эди?

— Аёл кишида шим бўлмаса, кўйлагининг чўнтаги бўлмаса — пулни қаерга қўяди, ана ўша ерда-да!

— Епирай! — икки милиса бир-бирига қўйибди. — Ана ўша ердан олгунча ҳам билмадингизми?

— Билдим,— дебди қиз тиржайиб.

— Унда нега индадингиз?

— Ҳазиллашяпти дебман-да.

Шакаргуфтор Саид АНВАР



Муаллиф: Илҳом ЗОИР

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҶЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол ҲЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙЎЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўналиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воестачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Урол ҲЗБЕК навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-557. 19469 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табақ.